O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 13 октябрь, чоршанба • № 81 (11.164) • Эркин нархда сотилади

# ТАҲЛИЛ, ЯКУН, РЕЖА

***ШУ йил 11 октябрь куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда 1999 йилнинг 9 ойлик иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунлари ва ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг 1999 йил 9 ойлик якунлари ва камчиликларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.***

**Вилоят фаоллари йиғилиши**

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовинлари, котибият мудирлари, вилоят ҳокимлиги ижроия маҳкамасининг бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар-туман ҳокимларининг умумиқтисодиёт масалалари бўйича муовинлари, вилоят, шаҳар, туман, молия, банк, солиқ ва соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ҳамидулла Асатов бошқарди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят ҳокимининг умумиқтисодиёт масалалари бўйича муовини — вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасининг бошлиғи Нусратилла Солиев маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, ўтган 9 ойда вилоятда асосий диққат-эътибор халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштиришга, режалар, устивор йўналишлар, белгиланган дастур ва тадбирларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилди. Қилинган меҳнат ўз самараларини бермоқда. Хусусан вилоят саноатида ўтган 9 ойда 102,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотларнинг 76,1 фоизи нодавлат сектори корхоналарида ишлаб чиқарилганлиги диққатга сазовор.

Йил бошидан буён истеъмол моллари ишлаб чиқаришда 108,2 фоиз ўсишга эришилди. 60га яқин янги турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1998 йилнинг шу даврига нисбатан озиқ-овқат ишлаб чиқариш 7,9 фоизга кўпайди.

Вилоят иқтисодий салоҳиятида қишлоқ хўжалиги катта ўрин тутади. Ўтган даврда бу тармоқда ҳам ислоҳотларни чуқурлаштириш устивор йўналиш касб этди. Натижада 9 ой мобайнида ялпи ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 61,1 миллиард сўмга тенг бўлди. Вилоят ғаллакорлари 315,2 минг тоннадан зиёд бошоқли дон ҳосилини йиғиштириб олдилар. Давлат буюртмаси 103,4 фоизга бажарилди. Шунингдек, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум етиштиришда ҳам силжишлар кўзга ташланмоқда. Айни кунларда вилоятда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда юқори суръат таъминланмоқда.

Маълумки, ўтган йилларда сурункасига зарар кўриб фаолият кўрсатган 13та қишлоқ хўжалик корхоналари санация қилинди. Мазкур хўжаликларда иқтисодий аҳволни соғломлаштириш юзасидан ижобий ўзгаришлар юз берди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, санация хўжаликлари бўйича 179,7 миллион сўм фойда олиниши кутилмоқда. Ислоҳотларни чуқурлаштириш натижасида, вилоятдаги 34та жамоа хўжалиги ширкат хўжаликларига айлантирилди. Соҳада меҳнатнинг ташкил этишнинг оила пудрати, чек усуллари дадил жорий этилмоқда. Мавжуд 2810та фермер хўжаликлари ҳам самарали меҳнат қилмоқда.

Вилоятда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар ва дастурларнинг ижро этилиши натижасида, бу соҳада белгиланган 9 ойлик режалар асосан бажарилди.

Ҳисобот даврида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, барча молиявий манбалар ҳисобига 21308,9 миллион сўмлик капитал қуйилмалар ўзлаштирилди ва қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу маблағларнинг 51 ярим фоизини нодавлат сектори ҳиссаси ташкил этади. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган вилоят дастурига мувофиқ ўтган 9 ойда 187,4 километр табиий газ, 37,1 километр ичимлик сув қувурлари, 194,9 минг квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Фаоллар йиғилишида вилоят халқ хўжалиги тармоқларида молиявий аҳволни барқарорлаштириш, кўпроқ фойда олишга эришиш, пул эмиссиясини камайтириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилганлиги таъкидланди. Ўтган 9 ой давомида вилоятда 12 ярим миллиард сўм фойда олинди. Вилоят бўйича муддати ўтган дебитор қарзлар қарийб 5 миллиард сўмга, кредитор қарзлар 2,6 миллиард сўмга камайди. Эмиссия даражаси режадаги — 3,8 фоиз ўрнига амалда — 10 фоизни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, нақд пул маблағлари тушумидаги барча муаммолар тўлиқ ҳал этилди ва сентябрь ойи режаси 104 фоизга бажарилди.

Лекин, йиғилишда, вилоят халқ хўжалигида мана шундай салмоқли натижаларга эришилаётганлигига қарамасдан, йўл қўйилаётган камчиликлар ва муаммолар янада юқори натижаларга эришиш учун тўсиқ бўлаётганлиги рўй-рост айтилди. Хусусан, ўтган даврда саноат корхоналарининг 65 таси энг зарур турдаги 67 маҳсулотдан 43таси бўйича ўсиш суръатини пасайтириб юборди. Натижада 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади. Тармоқнинг қурилиш материаллари, ёнилғи-энергетика, машинасозлик ва металлургия мажмуаларида ҳам ўсиш суръати таъминланмади. Саноат корхоналари омборларида шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига 8 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот тўпланиб қолганлиги ҳам бу соҳада маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг таннархини пасайтириш, маркетингни ривожлантириш, ички ва ташқи бозордаги талабни ўрганиш, янги, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида жиддий ишлаш лозимлигини кўрсатмоқда.

Маърузада вилоятдаги мавжуд 330дан ортиқ ҳиссадорлик жамиятлари томонидан акциялар ва қимматли қоғозларни сотиш, эркин сотувга чиқариш, ҳиссадорларга олинган фойда ҳисобидан ўз вақтида дивидендлар тўлаш масалаларига етарли эътибор берилмаётганлиги кескин танқид қилинди. Хусусан, «Олмалиқ мебель», «Янги Тошкент консерва», «Тошкент парранда», «Келес жун» сингари акциядорлик жамиятлари ана шундай камчиликларга йўл қўйганлар. Бир қатор шаҳар ва туманларда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишни бошқариш ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши ҳам суст бормоқда. Давлат бюджети ҳисобидан маблағлар ўз вақтида ажратилишига қарамасдан, вилоят капитал қурилиш бош бошқармаси ва «Тошвилоятгаз» бошқармаси томонидан аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш топшириқлари суст бажарилмоқда.

Вилоятда молиявий барқарорликни таъминлаш учун ижобий ўзгаришлар бўлган бир пайтда, Бекобод, Бўка, Зангиота, Қуйичирчиқ, Паркент, Пскент туманларида дебитор ва кредитор қарзларнинг ўсишига йўл қўйилди. Ташкилотларнинг бюджет олдидаги боқимандалик қарзлари Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Чиноз туманларида юқорилигича қолмоқда.

Фаоллар йиғилишида муҳокама этилган ушбу масала юзасидан вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи Александр Раҳимов, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи биринчи муовини Абдурашид Ҳакимов ҳам сўзга чиқдилар.

Иккинчи масала юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Дилором Алимова маъруза қилди.

У вилоят республика Президентининг «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга тўхталар экан, ўтган 9 ойда қишлоқ туманларида 5та қишлоқ врачлик муассасалари, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида маҳалла врачлик пунктлари ишга туширилганлигини айтди. Шунингдек, 3та стоматология даволаш муассасалари хусусийлаштирилди. 30 нафар шифокорга мустақил фаолият кўрсатиш учун лицензия берилди. Амбулатория-поликлиника тизимини ривожлантиришга эътибор ортди.

Лекин, шу билан биргаликда, ҳали вилоят соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни янада жадаллаштириш учун кўп иш қилиниши керак. Айниқса, шаҳар ва туманларда кадрлар билан ишлашни кучайтириш, тиббий хизмат сифатини ошириш устида жиддий ишлаш зарур. Бугунги кунда вилоят шифохоналарида фаолият кўрсатаётган 5440 нафар шифокорларнинг бор-йўғи 35 фоизи, 23395 нафар ўрта тиббий ходимларнинг 22,9 фоизи малака тоифасига эга эканлиги буни яққол кўрсатиб турибди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган ҳар иккала масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Пахта-99**





# ЧИНОЗ ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни катта меҳнат ғалабангиз — давлатга пахта топшириш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб барвақт адо этганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Туманнинг тажрибали раҳбар ва мутахассислари, уста деҳқон ва сувчилари, фидойи механизаторларининг йил бўйи сидқидилдан қилган меҳнатлари самараси ўлароқ бу йил далаларда ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ватан хирмонига 18 минг 100 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб берилди. Айниқса, ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олингани ва юқори навларга топширилгани барчамизни қувонтирди.

Чинозлик пахтакорларнинг ушбу улкан меҳнат зафарларида тумандаги барча меҳнаткашларнинг муносиб ҳиссалари борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар қуёшли кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, далалардаги ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишда пахтакорларга катта амалий ёрдам бермоқдалар.

Ҳар бир инсон учун ўз меҳнати натижасини кўриш ва роҳатланишдан ортиқ бахт йўқ. Ишончимиз комилки, чинозлик пахтакорлар эришган ютуқ вилоятимизнинг 280 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлидаги дастлабки қутлуғ қадамдир. Сизларнинг ғалабангиздан руҳланган барча туман меҳнаткашлари ҳам терим суръатига суръат қўшиб, тез кунларда зафар марраларини эгаллашларига шубҳа йўқ.

Сизларга қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштириш, она-Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда янги зафарлар тилайман. Хонадонингиздан файзу барака, тинчлик, тотувлик аримасин.

***Уммат МИРЗАҚУЛОВ,***
***Тошкент вилояти ҳокими***

# ЗАЛВОРЛИ ОДИМ

**Чиноз тумани пахтакорлари 22 иш кунида пахта тайёрлаш йиллик режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар**

*МАВСУМ бошиданоқ пешқадамликни қўлдан бермаган Чиноз тумани деҳқонлари кеча ғалаба маррасига етиб келдилар. Давлатга 18100 тоннадан ортиқ хомашё етказиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки ҳосилнинг 92 фоизи биринчи навга топширилди.*

*Эришилган ғалабага тумандаги «Эшонобод», Амир Темур номли, «Гулзоробод», «Ўзбекистон», Собир Раҳимов, Охунбобоев номли, «Чиноз», жамоа хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшдилр. 60дан ортиқ бригада жамоалари биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил олдилар.*

*Дастлабки довондан ошган чинозлик пахтакорлар йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Далада ҳосил мўл. Чинозликлар яна кам деганда 3 минг тонна хомашё йиғиб-териб олишга аҳд қилдилар.*

*Биз Чиноз тумани меҳнаткашларини эришилган катта меҳнат ғалабаси билан чин дилдан қутлаймиз. Хирмонингизга барака, азизлар!*

**(Чиноз тумани меҳнаткашларининг ғалабасига бағишланган мақолани газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).**

**Пахта-99**

**♦ 11 октябрь куни вилоятда 12 минг 300 тонна пахта тайёрланди. Бу йиллик режанинг 4,02 фоизига тенг. Шу кунгача тайёрланган жами хомашё 190 минг тоннадан ошди.**

**♦ 279 маҳаллий ҳамда 100та «Кейс» русумли машиналарда 2569 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.**

**♦ Қўл теримида иштирок этган 182277 кишининг кунлик унумдорлиги 50 килограммданга тўғри келди.**

**♦ Оққўрғон, Пскент ва Ўртачирчиқ туманлари йиллик режанинг 4,5-5 фоизи миқдорида пахта топшириб, кунлик суръатда пешқадам бўлдилар.**

## ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР ҚИЛАДИ




### БЕКОБОД

ТЕРИМНИ ташкил этишдаги уюшқоқлик, қаътий интизом мана бугун ўз самарасини кўрсатди. Навоий номли ширкат уюшмаси деҳқонлари 1175 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 25 центнердан ҳосил топшириб, биринчи терим ҳисобига режаларини бажардилар. Мавжуд 22та пудратчи-бригада жамоаларининг деярли ҳаммаси маррага етиб келди.

Мавсум арафасида ҳисоб-китобнинг асосий моҳияти қўл теримига қаратилди. Манфаадорликни амалда ҳис қилиб турган теримчилар, ҳашарчилар суръатни асло бўшаштирмадилар. Шунинг учун ҳам режа салкам 4 фоиз билан бажарилди. Бунақаси бўлган эмас! Қаторасига олти кун давомида йиллик режанинг олти фоизи миқдорида пахта тайёрланди.

— Иккинчи теримдан ҳам умидимиз катта, — дейишмоқда паҳтакорлар. — Ялпи хирмонни камида уч минг тоннага етказамиз.

### ОҚҚЎРҒОН

ИШЛАШНИ хохлаган одам, албатта, имконият топади. Бу гап Оққўрғон туманидаги «Озод» жамоа хўжалиги деҳқонларига қарата айтилгандек. Чунки бу йилги шароитда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш учун катта меҳнат сарф қилишга, қийинчиликларни, айрим муаммоларни енгишга тўғри келди. Теримни ташкил этишда машиналар кучидан оқилона фойдаланиш тадбирлари белгиланди. Бунда даланинг шароити ҳисобга олинди. Қўл теримида ҳам бутун қишлоқ аҳли қатнашди. Терилган пахта пешма-пеш қабул пунктларига етказиб турилди, натижада 642 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,7 центнердан ҳосил топширилиб, 1650 тонналик хирмон барвақт уюлди.

Хўжалик деҳқонлари далада қолган ҳосилни чамалаб, давлатга яна камида 200 тонна пахта топшириб, туман, вилоят, қолаверса, республика хирмонига ўз ҳиссаларини қўшишга бел боғлаганлар.

### ЯНГИЙЎЛ

Туман пахта хирмонининг тез қад ростлашида шаҳар марказий шифохонаси шифокорлари, ҳамшира ва хизматчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бу жамоа теримнинг дастлаб кунлариданоқ сал кам 300 кишидан иборат мадад бригадасини тузди. У икки гуруҳга бўлинди. Уларга шифокорлардан А. Қутбиддинов ва Т. Умаровлар етакчилик қила бошладилар. Шифокорлар дастлабки кунларда 50-60 килограммдан пахта терган бўлсалар, ҳозир кунда бу кўрсатгич 70 килограммдан ошмоқда.

Туманнинг «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида меҳнат қилаётган ёрдамчи шифокорларнинг шу кунгача терган пахталари 1000 тоннадан ошиб кетди.

Ҳам теримда, ҳам даволаш ишларида фаоллик кўрсатаётган шифокорлар хизматидан деҳқонлар миннатдор бўлмоқдалар.

**Сайловлар олдидан**

# САЙЛОВ — ҲУҚУҚИЙ ЕТУКЛИК ИМТИҲОНИ

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлиси депутатлиги ҳамда Президентлигига, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар тобора яқинлашмоқда. Давлатчилигимиз тарихида, халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлган ушбу сайловлар кўп жиҳатдан мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти, янги асрдаги равнақини белгилаб беради.***

Шу боис бу жуда катта сиёсий кампанияга пухта ҳозирлик кўриш ва уни демократик тамойиллар асосида юксак уюшқоқлик билан ўтказишга эришиш юртимиз жамоатчилиги олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Зеро, сайловлар мустақил диёримиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ҳуқуқий етуклигининг ўзига хос имтиҳонидир.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги матбуот анжуманида ана шу ҳақда гап борди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов бу борада мазкур комиссия олдида турган энг муҳим вазифалар хусусида сўз юритиб, сиёсий партия, вакиллик органлари ва мустақил номзодлар учун тенг шароитлар яратиш, сайловчиларнинг белгиланган ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, халқаро кузатувчи ва журналистларнинг кенг фаолият олиб боришига барча имкониятларни яратиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Сайловлар чиндан ҳам истиқлол йиллари даврида ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида орттирган тажрибамизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб бораётганини, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онги нечоғли юксаклигини намойиш этиш учун синовдир. Бу улкан сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказиш юрт осойишталиги ва тинчлигини мустаҳкамлаш, эл фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари А. Саидов анжуманда сўзга чиқиб, сайловлар фуқаролар сиёсий фаоллигининг асосий шакли эканига эътиборни қаратди. Ушбу восита орқали ҳар қайси сайловчи кимга овоз беришидан қатъий назар, у — аввало, ўз хоҳиш-иродасига, иймон-эътиқодига таяниб, мустақил ва онгли равишда эркин овоз беради. Бу сайловчининг ҳақи, ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ, аввало, мамлакатимизнинг бош қомуси — Конституциямизда, умумэътироф этилган қонунларимизда, шунингдек, илғор демократик давлатларнинг ижобий тажрибаси, мукаммал тартиблар ва талаблар асосида яратилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларимизда аниқ-равшан белгилаб берилган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

***(ЎзА).***

## ВИЛОЯТ ҳаёти



• ХАЛҚ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази ва Республика патент идораси томонидан ташкил этилган Ёш ихтирочилар кўрик-кўргазмаси якунларига кўра, вилоятимиз вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. Ўқувчиларимиз тадбирда ўн соҳадан еттитаси бўйича ғолиб деб топилдилар.

• ВИЛОЯТ киновидеожамғармаси Аёллар йилига бағишлаб, хотин-қизлар образлари акс эттирилган фильмлар ойлигини ўтказди. Мазкур тадбир мобайнида ўзбекистонлик киноусталар яратган «Воиз», «Ёз ёмғири», «Ёлғиз ёдгорим», «Марғиёна» каби фильмлар билан бир қаторда, Ҳамдўстлик давлатларида суратга олинган бир қатор картиналар ҳам намойиш қилинди.

• ОЛМАЛИҚДАГИ вилоят болалар техник ижодиёти марказида янги референтлик тўгараги иш бошлади. Унинг битирувчилари келгусида корхона ва ташкилотларда иш юритувчи бўлиб ишлайдилар.

• АНГРЕНДА ўтказилган кўмир конлари ишчи-хизматчиларининг навбатдаги спартакиадаси иштирокчилари футбол, волейбол, сузиш, баскетбол, шахмат-шашка, қатор енгил атлетика турлари бўйича ўзаро баҳслашдилар. Умумжамоа ҳисобида Ангрендаги 9-кон спортчилари — биринчи, «Ангренкўмиртранс» спортчилари иккинчи, Ангрен кўмир кони вакиллари учинчи ўринларни эгалладилар. Ғолибларга соврин ва мукофотлар, эсдалик совғалари топширилди.




**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!**

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида бошқа нашрлар қаторида «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирилмоқда. Газетамизга ўз вақтида ёзилсангиз, у мунтазам равишда хонадонингизга етказиб берилади.

***Нашр кўрсаткичларини эслатиб ўтамиз:***
***якка обуначилар учун — 205,***
***ташкилотлар учун — 206.***

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

**БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XIV СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига биноан қарор қиламан:

Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XIV сессияси 1999 йил 14 октябрь куни соат 9.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

***Вилоят ҳокими***

***У.МИРЗАҚУЛОВ.***

